



## ТАДБИРКОРЛАРНИ Қўллаб-қувватлаш ва экспортга жалб этиш бўйича ТАКЛИФЛАР Кўриб чиқилди

### Президент Шавкат Мирзиёев 12 март куни тадбиркорлар фаолиятини кенгайтириш ва экспортга жалб этиш бўйича таклифлар тақдироти билан танишди.

Бу ҳақда давлатимиз раҳбари 2023 йил 18 декабрда бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида айтган эди. Шундан сўнг экспертлар иштирокида тадбиркорларнинг таклифлари асосида янги ёндашувлар ишлаб чиқилди.

Таҳлилларга кўра, ўтган йили экспортчи корхоналарга 665 миллиард сўмлик ёрдам кўрсатилиб, 3 миллиард 200 миллион долларлик экспорт таъминланган. Лекин айрим тармоқ ва ҳудудларда бу маблағлардан самарали фойдаланилмаган. Электр техникаси, кишлоқ хўжалиги, фармацевтика, зарғарлик тармоқларида экспорт ўртача кўрсаткичларга етмаган. Уюшмалар томонидан 2 минг 709 та салоҳиятли экспортчилар қамраб олинмаган, уларга ҳалигача бирор ёрдам кўрсатилмаган.

Шу боис, ҳудудларда ишлаб чиқариш, саноат зоналари ва экспорт масалаларини яхлит тизимда бирлаштириш мақсад қилинмоқда. 12 та тармоқ ва саноат уюшмасини Савдо-саноат палатаси тизимига ўтказиш таклиф этилмоқда. Бу орқали лойиҳа тайёрлаш ва экспорт тизими давлатдан тадбиркорлар ўзини ўзи бошқарадиган ташкилотга ўтади. Натижада уларнинг талаб ва истакларини эшитиш, муаммоларини ҳал қилиш осонлашади, тадбиркорларнинг ўзаро ҳамкорлиги кучаяди.

Ривожланган мамлакатлар тажрибасидан келиб чиқиб, соҳадаги агентлик ва жамғармалар

ўрнига Савдони ривожлантириш компанияси ташкил этилади. У чет элдан малакали дизайнер, технолог ва маркетингларни жалб этиб, миллий маҳсулотларни халқаро талабларга мослаштириш, экспортчиларнинг янги бозорларга чиқишига кўмаклашиш, миллий брендларни хорижда тарғиб қилиш билан шуғулланади. Бу компания томонидан субсидия, компенсация ва бошқа кўмаклар тадбиркорларнинг барқарорлик рейтингини асосида ажратилади.

Шунингдек, “Ўзбекэкспертиза” акциядорлик жамиятининг бошқаруви ҳамда Савдо-саноат палатаси билан алоқалари кучайтирилади. Барча туманда Тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш лойиҳа офислари иш бошлайди.

Президентимиз иқтисодий ислохотлардан асосий мақсад тадбиркорликни ривожлантириш эканини таъкидлаб, уларни қўллаб-қувватлаш бўйича ўз фикрларини билдирди.

Уюшмаларнинг вазифа ва натижадорлигини кўриб чиқиш, раҳбар ва ходимлар малакасини ошириш муҳимлиги қайд этилди. Асосий ишни ҳудудларда ташкил этиб, янги лойиҳалар ишлаб чиқиш, тадбиркорларни экспортга жалб қилиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Мутасаддилар бу йил маҳаллий саноат экспорти ҳажмини 12 миллиард долларга етказиш режалари тўғрисида ахборот берди.

ЎЗА

## УЙ-ЖОЙЛАР ҚУРИЛИШИ СОҲАСИДАГИ ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

### Президент Шавкат Мирзиёев 12 март куни жорий йилда уй-жойлар ҳамда “Янги Ўзбекистон” массивлари қурилиши бўйича йиғилиш ўтказди.

Халқимизга муносиб турмуш шароити яратиш мақсадида барча ҳудудларда янги уй-жойлар барпо этилмоқда. Шу билан бирга, одамларнинг харид имкониятини кенгайтириш учун тўрт йил олдин ипотека тизимининг бозор тамойилларига асосланган янги тартиби жорий қилинди. Унга мувофиқ, ўтган даврда барча манбалардан 100 триллион сўм маблағ йўналтирилди. Буларнинг ҳисобига ҳудудларда 6 мингта кўп қаватли уй барпо этилиб, 250 минг оила янги бошпанали бўлди. Даромади юқори бўлмаган 45 мингта оилага бошланғич бадал ва фойз тўлови учун 2,4 триллион сўмлик субсидиялар берилди.

Жумладан, ўтган йили мамлакатимиз бўйича 85 мингта ёки 2022 йилга нисбатан 1,5 баробар кўп хонадон қурилди. Аҳолига 17 триллион сўмлик ипотека кредитлари ажратилди.

Аҳоли сонининг ўсишини инобатга олиб, бундай ишлар изчил давом эттирилмоқда. Хусусан, жорий йилги дастур доирасида 100 мингта уй-жой қуриш режалаштирилган.

Йиғилишда шу борадаги чора-тадбирлар муҳокама қилинди.

Аввало, янги уйларнинг сотув нархи ва сифатига эътибор қаратилиб, номутоаносибликлар кўрсатиб ўтилди. Мутасаддиларга қурилиш таннархини пайсайтириш ва уйлар сифатини яхшилаш бўйича топшириқлар берилди. Шу мақсадда таклифни кўнайтириш учун кўп қаватли уй-жойлар қурилишига кўшимча ерлар аукционга чиқарилиши белгиланди.

Давлатимиз раҳбари бу соҳада аҳоли ва қурувчилар учун қатор янги имкониятлар берилишини маълум қилди.

Бу йил ипотекани молиялаштириш учун барча манбалардан 22,5 триллион сўм йўналтирилди. Жумладан, ипотека кредитлари учун қарийб 10 триллион сўм, даромади юқори бўлмаган 20 минг

оилага бошланғич бадал ва фойз тўловини қоплаш учун 2,3 триллион сўм берилди.

Пудрат ташкилотларининг айланма маблағини кўнайтириш учун 500 миллиард сўм ресурс йўналтирилади. Бунда йиллик 16 фойз ставкада 12 ойлик имтиёзли давр билан 18 ойга имтиёзли кредитлар ажратилади.

Бу мақсадларга банклар ҳам ўз маблағларини қиритади.

Қурилиш ишлари ҳамда аҳолининг уй-жой сотиб олиши учун ҳам кўшимча энгилликлар яратилади. Хусусан, энди 5 қаватли уйларни барпо этишга қамда “қоникарли” ва 9 қаватли уйларга “ўрта қоникарли” рейтингига эга бўлган пудратчилар жалб қилинади. Бу қўшимча 2 мингта яқин пудратчиға йўл очиб беради.

Турар жойлар қурилишида “яшил” стандарт жорий қилинади. У асосида бунёд этиладиган уй учун пудратчиларга кредитлар бир фойз паст, яъни йиллик 15 фойз ставкада берилди.

Пудратчиларга кредитлар бўйича кафилик бериш ва фойз харажатини қисман қоплашга Тадбиркорлик компанияси томонидан 200 миллиард сўм йўналтирилади. Уй қурилиши учун махсус техникалар импорти бўйича берилган божхона имтиёзи яна бир йилга узайтирилади.

Бундан буён ипотека кредитлари бўйича гаровга олинмаган уйни сугурталаш талаби бекор қилинади.

Камбағалликдан чиқариш дастурига кирган ва турар жойини ночор аҳволдаги оилаларга, “маҳалла еттичилиги” тавсияси асосида, ўз ҳовлисида уй қуриш ва таъмирлашга 120 миллион сўмгача ипотека кредити ажратиш йўлга қўйилди. Бунда кредитнинг 15 фойзи ва дастлабки беш йилда фойз ставкасининг 6 фойзгача банди бюджетдан қоплаб берилди.

Аҳолига бу борада кўмаклашишда Ипотекани қайта молиялаштириш компанияси муҳим ўрин тутди. Ўтган уч йилда унинг кредит портфели 3 триллион сўмдан ошди. Ушбу компания устав капиталини 100 миллион долларга етказиш, хорижий маблағлар жалб этишни кенгайтириш вазифаси белгиланди.

Йиғилишда “Янги Ўзбекистон” массивларини барпо этиш масалалари ҳам кўриб чиқилди.

Бугунги кунда ҳудудларда 38 та массив қурилиши бошланган. Жорий йилда яна 17 та массив бунёд этиш кўзда тутилган.

Лекин айрим жойларда кечикиш ҳолатлари бор. Масалан, Сурхондарё, Андижон, Тошкент, Самарқанд, Сирдарё вилоятларида қурилиш ишлари ортада қолмоқда.

Шу боис, ҳар бир массив кесимида манзилли рўйхатни тасдиқлаб, бунёдкорлик ишларини жадаллаштириш бўйича кўрсатмалар берилди. Давлатимиз раҳбари бунда асосий талаблар — сифат, муддат ва таннарх эканини таъкидлади.

Айрим ноинсоф қурувчилар харидорлар ишончини суиистемол қилаётгани қайд этилар экан, улушдорлик асосида уй-жой барпо этишда аҳолини ҳимоя қилиш тизимини кучайтириш зарурлиги таъкидланди. Шунингдек, ер аукционига қатнашадиган қурилиш ва пудрат ташкилотларининг молиявий салоҳиятига минимал талаблар жорий қилиниши белгиланди.

Баъзи ҳудудлардаги эски уйлар реновация асосида янгиланиб, одамларга замонавий шароитлар яратиши қайд этилди.

Бош вазир ўринбосари ва вилоят ҳокимлари қурилиш ишларини ташкил қилиш режалари юзасидан ахборот берди.

ЎЗА

## Бугуннинг гапи

# КЛАСТЕР ТИЗИМИДА ЯНГИ БОСҚИЧ У ИП-КАЛАВАНИ 100 ФОИЗ ҚАЙТА ИШЛАБ, Қўшимча қиймат яратишга қаратилган

Давлатимиз раҳбари яқинда Хоразм вилоятига ташрифи чоғида “Хива кластер” пахта-тўқимачилик кластерининг янги корхонасида бўлиб, мазкур кластер мисолида соҳадаги истиқболли режалар билан танишар экан, янги лойиҳалар ҳисобига пахта етиштириш ва ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, қўшимча қийматли маҳсулотларни кўнайтириш бўйича ўта долзарб вазифаларни белгилаб берди.

Эътиборлиси, Президентимиз тўқимачилик саноатини тараққий эттириш масаласига Хоразм вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор вазифалари юзасидан бўлиб ўтган йиғилишда ҳам алоҳида тўхталиб, ҳудудда ип-калавани қайта ишлаш даражасини ҳозирги 30 фойздан 60 фойзга етказиш муҳимлигини таъкидлади. Бунинг учун жорий йилнинг ўзида вилоятга 280 миллион АҚШ доллари миқдоридан инвестиция олиб келиш бўйича аниқ чора-тадбирлар кўриб чиқилди. Бу пахта-тўқимачилик кластерлари тизими

тараққийида сифат жиҳатдан янги босқичга ўтилаётганидан далолатдир.

Дарҳақиқат, кластер мазмун-моҳиятига кўра, занжирли ишлаб чиқариш тизими бўлиб, пахта етиштиришдан то ундан қўшимча қиймат яратишгача бўлган технологик жараёнларни қамраб олади. Пахта-тўқимачиликда ушбу инновацион усул таъбиқ қилинишидан мақсад, аввало, четга хомашё эмас, балки тайёр маҳсулот чиқариш эди. Қўйилган ушбу вазифа кластерлар томонидан босқичма-босқич удаланимоқда.

Замонавий корхоналар қурилиб, янги қувватлар ишга туширилиши



туфайли жуда қисқа вақт ичида пахта толасини ўзимизда 100 фойз қайта ишлашга эришилди. Натижада хомашё экспорти батамом тўхтатилди.

Навбатдаги марра эса ип-калавани қайта ишлашни 100 фойзга етказишга қаратилган.

Давоми 4-бетда

## Мен нечун севаман Ўзбекистонни!

# НОМУС, ВИЖДОН ИЛА ИЙМОНДИР – ВАТАН!

Бундан роппа-роса 117 йил олдин Абдурауф Фитратнинг “Юрт қайғуси” номили мақоласи матбуотда чоп этилган эди. “Дунёнинг бутун балолари бошимга тўқулса, Зулм чўлининг темир тиконлари кўзларимга кирса, яна сени кутқарарман. Мен сенинг учун тирилдим, Сенинг учун яшарман, Сенинг учун ўлурман. Эй туркликнинг муқаддас ўчоғи! Ўлим сенинг ўлимингни истаганларга, Нафрат сени кўргани келганларга!”, дея хайқирган эди эрксевар, миллатпарвар жадид бобомиз ушбу мақоласида.



Пойтахтимиздаги “Туркистон” саройига “Ватан манзумаси” номили адабий-маърифий дастурни томоша қилиш учун кириб борар эканмиз, Фитрат бобомизнинг шу сўзларини эсладик. Ватан сўзи булар-бўлмаста, ички бир ҳаяжон ва меҳр-муҳаббатсиз, самимиятсиз тақдорланаверса, биздан кейинги авлодга бу қутлуғ сўзнинг қанчалар улуглигини, муқаддас ва аждодларимиз юрак қони билан сугорилган туйғуларга туташ эканини қандай англатамиз?

“Ватан манзумаси” иштирокчилари ушбу масъулиятли вазифани замондошларимизга англаш олдди. Ўтган йили, айниқас, Ўзбекистон халқ шоирлари Абдулла Орипов ва Эркин Воҳидовнинг ёд бўлиб кетган мисраларини бошловчи билан баралла айтган ўғил-қизларимизни, Шавкат Раҳмоннинг “Евга терс қараган мусулмон эмас!” деган ўтли мисраларини биргаликда такрорлаган аскар йигитларимизни, хонанда Севара Назархон ижросидаги “Улугимсан, Ватаним!” қўшигини жўр бўлиб куйлаган иштирокчиларни кўриб, кўзларимизга ёш келган, уларни жуда-жуда яхши кўриб қолган эдик. Ҳа, бизни жипс-лаштирадиган, улуг мақсадлар сарин руҳлантирадиган, ҳаммамизни бир маёғ янглиг атрофида бирлаштирадиган қайноқ туйғу — ВАТАН!

Давоми 6-бетда

## ЎЗБЕКИСТОН 2030 СТРАТЕГИЯСИ

# ХАВФСИЗ ВА ТИНЧЛИКСЕВАР ДАВЛАТ Ташқи сиёсат халқимиз манфаатларига хизмат қилмоқда

Бугун давлатлар ўртасидаги дўстлик, тенглик ва ҳамфикрлик ҳар доимгидан ҳам муҳимроқ аҳамият касб этмоқда. Буни халқаро майдонда юзага келаятган зиддиятли ҳолатлар мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Ана шундай мураккаб вазиятда барча давлатлар билан тенглик тамойили асосида сиёсат юритиш, кўп қиррали дўстона алоқаларни мустаҳкамлаш осон кечмаслиги аниқ. Буни узоқни кўзлаган аниқ режа асосида амалга ошириш мумкин.

“Ўзбекистон — 2030” стратегиясининг 5-йўналишида хавфсиз ва тинчликсевар давлат тамойилига асосланган сиёсатни изчил давом эттириш вазифалари белгилаб қўйилган. Бундай сиёсат жамиятда мамлакат келажакка ишончини мустаҳкамлаб, олиб борилаётган ислохотлар изчиллигини таъминлайди. Зеро, ташқи сиёсатда тўғри йўлни танлай олган мамлакат ички янгиланишларни амалга оширишда етарлича вақт ва салоҳиятга эга бўлади.

Айни пайтда давлатимиз раҳбарининг очиқ, прагматик ва фаол ташқи сиёсат борасидаги таклиф ва ташаббуслари халқаро майдонда юксак эътироф этилаётгани боиси ҳам шунда.

Таъкидлаш керак, янги Ўзбекистоннинг ташқи сиёсати, аввало, халқ ва давлат манфаатларидан келиб чиққан ҳолда изчил амалга оширилмоқда. Стратегияда бу йўналишда жуда катта мақсад ва қатор чора-тадбирлар ўрин олган.

Инсон дунёга келибдики, бахтга интилиб яшайди. Унга етишиш йўлларини

излайди. Албатта, бу неъматга ўз-ўзидан эришилмайди. Халқимиз азалдан бахт деганда тинчлик, хотиржамлик, сихат-саломатлик, фарзандлар камоли, эл-юрт олдига юзи ёруғлик қабилини асосий мезон сифатида билган.

Тинчлик-осойишталик бугун қўлга киритаётган ютуқларимизнинг бош мезони, эришаётган марраларимиз, фаровон ҳаётимиз, серфайз дастурхонимиз, фарзандларимиз бахти ва камолнинг асосидир.

Ўзбекистон ташқи сиёсатда кўп қиррали фаолият, жумладан, хорижий давлатлар, халқаро ва минтақавий ташкилотлар билан ўрнатилган дипломатик алоқалар сабаб мамлакатимизга илиқ муносабат уйғотмоқда. Айни чоғ минтақавий ва халқаро миқёсдаги долзарб масалалар бўйича илгари сурилаётган ташаббус ва таклифлар халқаро майдонда Ўзбекистон ўз ўрнига эга эканини бот-бот тасдиқлаб турибди.

Давоми 3-бетда



### Тадқиқот ва таклиф



**Мухаббат АХМЕДОВА,**  
Макроиктисодий ва ҳудудий  
тадқиқотлар институти  
лойиҳа раҳбари

Туғилиш, кўпайиш яхши, албатта. Шу билан бирга, уларни даромадли иш билан таъминлаш, ижтимоий ҳимоя қилиш, касб-ҳунарга ўргатиш ҳам муҳим масала. Очиги, мамлакатимизда ушбу масалалар ҳар доим эътиборда бўлиб келмоқда ва бу борда муайян ишлар амалга оширилмоқда. Бунинг учун махсус дастурлар, лойиҳалар, ташаббуслар ишлаб чиқилгани ва жараён мунтазамлик касб этаётгани эътиборга молик. Лекин кузатув ва ўрганишларга кўра, Ўзбекистонда аёллар орасидаги ишсизлик даражаси сўнгги пайтларда ортиб бораётган. Аёллар орасидаги юқори ишсизлик ва паст иқтисодий фаоллик даражаси, бир томондан, юқори туғилиш кўрсаткичлари ва уларнинг уй юмушларига кўп вақт ажратиши билан боғлиқ бўлса, иккинчи томондан, менталитетга бориб тақаллади. Жумладан, 2023 йилда мамлакатимизда 961 минг чақалоқ дунёга келган. Бу ўз навбатида, қарийб шунча аёлни меҳнат бозоридан вақтинча бўлса-да, чиқиб кетиши ва иқтисодий нофаол мақомга тушиб кетиши олиб келмоқда. Шунингдек, Ўзбекистонда аёллар вақтининг 22 фоизини уй юмушлари ва бола парваришига сарфлайди.

Дунёда аёллар орасидаги ўртача ишсизлик даражаси 5,3 фоизни ташкил этади. Бу кўрсаткич Қозғонистонда 5,5, Францияда 2,8, Бангладешда 6,5, Хитойда 4,3 фоизни ташкил этади. 2022 йил натижаларига кўра, Ўзбекистонда аёллар орасидаги ишсизлик

# АЁЛЛАР БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ

## ЯНГИЧА ТИЗИМ АСОСИДА ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ

**Жорий йилни Ўзбекистон 36 миллион 799 минг нуфус билан қарши олди. Яъни мамлакатимиз аҳолиси сони бир йилда 2,2 фоиз ёки 775 минг кишига кўпайган. Аҳоли орасида аёлларнинг улуши 49,7 фоизни ташкил этди.**

даражаси 13,4 фоиз бўлган эди. Бунинг сабабларини аниқлаш ва илмий асосланган чора-тадбирлар ишлаб чиқиш мақсадида институти мутахассислари томонидан аёллар орасида сўров ўтказилди.

Респондентларнинг ўртача ёши 32. Уларнинг 56 фоизи олий (бакалавр босқичини давлат гранти асосида тамомлаганлар 25,5 фоиз), 29 фоизи ўрта махсус маълумотга эга. Уларнинг деярли 54 фоизи 3 йилдан ортиқ вақт мобайнида ишсиз. Сўров қатнашчиларининг 8,5 фоизи ишлаш истаги йўқлигини билдирган бўлса, 7,5 фоизи турмуш ўртоғи рўхсат бермаслигини, 19,5 фоизи уй ишлари ва фарзандлар тарбиясидан ортмаслигини, 22,7 фоизи иш йўқлиги ёки улар таклиф этаётган ойлик маош пастлиги, 5,3 фоизи иш ўринлари тўғрисида маълумотга эга эмаслигини билдирган. Дикқатга молик жиҳати, ишсиз аёлларнинг 85,4 фоизиди ишлаш истаги бор, лекин шунга қарамай, уларнинг бор-йўғи 24,4 фоизни меҳнат органига мурожаат қилган.

Бундан ташқари, 40 фоизи соғлиқни сақлаш ва таълим тизимида меҳнат қилишни, 55 фоизи тадбиркорлик билан шугулланиш истаги борлигини таъкидлаган.

"Бугунги кунда аёллар бизнесини ташкил қилишга қандай омиллар қийинчилик туғдиради, деб ҳисоблайсиз" саволига респондентларнинг 45 фоизи маблаг, 24 фоизи билим ва кўникма, 15 фоизи гаров мулки етишмаслигини билдирган бўлса, 13,5 фоизи кредит олишдаги қийинчиликлар, 22 фоизи фарзанд тарбияси ва уй ишларидан ортаётганини айтган.

Респондентлар фикрича, аёлларни иш билан таъминлаш учун қуйидаги масалаларга эътибор қаратиш зарур.

- касбга қайта тайёрлаш ва ўқитиш тизимини такомиллаштириш ва кенгайтириш;
- меҳнат бозори тўғрисида мунтазам маълумот бериш бориши;
- аёллар бизнеси учун бино ва иншоотларни бепул ижарага беришни ривожлантириш;

- мактабгача таълим тизими қамровини кенгайтириш;
  - меҳнат ярмаркалари кўламини кенгайтириш ва бошқалар.
- Сўров маълумотларидан келиб чиқиб, Макроиктисодий ва ҳудудий тадқиқотлар институти экспертлари томонидан аёлларнинг ишлаш ва ишламаслик эҳтимолига таъсир этувчи омиллар таҳлил қилинди. Натига аёлларнинг ишлаш ёки ишламаслигига уларнинг оилавий ҳолати, таълим даражаси ва ёши таъсир қилишини кўрсатди.
- Яъни аёлларнинг олий маълумотга эга бўлиши уларнинг ишлаш эҳтимолини 0,99 фоизга оширади, оилали бўлиш эса ишлаш эҳтимолини 1,35 фоизга камайтиради, аёл ёшининг катталашishi унинг ишлаш эҳтимолини 0,08 фоизга кўтарди.

Бундан ташқари, Статистика агентлиги маълумотлари асосида тайёрланган корреляцион боғлиқлик натижасига кўра, аёллар орасидаги ишсизликка, энг аввало, туғилиш ва никоҳлар сони таъсир этиши маълум бўлди. Туғилишлар билан боғлиқлигининг мавжудлиги табиий ҳол. Лекин Ўзбекистон шароитида аёллар турмуш кўриб ҳам ишсиз бўлишининг кузатилиши, биринчи навбатда, аҳоли орасидаги ментал қарашларга бориб тақаллади.

Шундай экан, нима қилиш керак? Юқоридagi сўров ва таҳлиллардан келиб чиқиб, бир қатор таклифларни илгари сура-миз:

- аёллар таълимини ривожлантириш мақсадида хусусий ўқув марказларида (Президент мактаблари) тайёрлов курслари, инглиз тилини ўргатиш курслари ва ҳ.к.) қизларини ўқитиб, ота-оналар учун курс тўлови бадалини даромад солиғи ҳисобидан қайтариш тизимини жорий этиш;
- аёллар учун Ўзбекистонда фаолият юритаётган хоржий олий ўқув юртиларининг магистратура босқичини бепул қилиш;
- биринчи йили олий ўқув юртига қира олманган аёллар учун келгуси йилларда қайта ҳужжат топшириш тўловини бекор қилиш;



- аёллар бандлигини таъминлаш мақсадида аёллар учун мослашувчан иш жадвали ва масофадан туриб ишлаш тизимини ривожлантириш, бундай иш ўринларини таклиф этувчи иш бевучиларга махсус солиқ имтиёзлари жорий этиш;
- юқори маош таклиф этиладиган ахборот технологиялари, молия ва сўғурта тarmoқларида ходимлар хизмат кўрсатиши (камда 30 фоизга аёллар ташкил этган) таъминлаган иш бевучилар учун махсус солиқ ва кредитлар бўйича имтиёзлар бериш;
- узоқ муддат ишсиз юрган аёлларни (3 йил ва ундан кўп) иш билан таъминлаган иш бевучиларини ижтимоий солиқдан озод этиш;
- аёллар учун маҳаллаларда рақамлаштириш саводхонлигини ошириш ва ижтимоий медиа маркетинг курсларини ташкил этиш;
- давлат мактабгача таълим ташкилотларидаги шартли талоғга тўлиқ жавоб берадиган ҳолларда 2 ёшли болаларни ҳам жойлаштириш бўйича қонун ҳужжатларига ўзгартириш киритиш;

- "Она — тадбиркор" давлат дастурини жорий этиш;
  - аёллар учун махсус бўш иш ўринлари ярмаркаларини ташкил этиш;
  - меҳнат бозори тўғрисида маълумотларни доимий равишда омماвий ахборот воситалари орқали бериб бориш тизимини йўлга қўйиш;
  - "Ишга марҳамат!" мономарказлари фаолиятини тубдан кўриб чиқиш ва уларни, асосан, мониторинг қилиш тажрибасига айлантириб, касбга ўқитиш тизимида хусусий сектор улушини 60 фоизга ошириш.
- Қайд этилганидек, Ўзбекистонда аёл-қизлар ҳар доим улуг'либ келган. Уларга меҳр ва ғамхўрлик кўрсатиш олиб борилаётган ижтимоий сўғирнинг ажралмас қисмига айланган ва бу ўз самарасини кўрсатмоқда. Ён-агрофирмида аёллар бошқараётган корхоналар, илгор аёл фермерлар, ёш илжодкор ва спортчи қизлар, муаллиму тарбиячилар бунинг яққол исботи. Бунинг давлатимиз раҳбари Халқор хотин-қизлар кунига бағишланган тантанали маросимда ҳам алоҳида таъкидлади. Сўнгги 5 йилда Ўзбекистонда

ишбилармон аёллар сафи икки баробар кенгайиб, ўз бизнесини йўлга қўйган тадбиркор хотин-қизлар сони 205 мингдан ошган, 200 мингга яқин аёллар касб-ҳунар ва тадбиркорликка ўқитилгани, 400 мингдан кўпи эса иш билан таъминлангани айтилди.

Бу йўналишдаги ишлар "Ўзбекистон — 2030" стратегияси доирасида хотин-қизларнинг фаолигини ошириш, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, гендер тенгликни қарор топтириш, аёлларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш бўйича кенг кўламли чора-тадбирларда ҳам ўз ақсини топган.

Ҳозирги кунда олийгоҳларда таълим олаётган 1 миллион 300 мингга яқин талабанин аямдан кўпини қизлар ташкил этмоқда. Эҳтиёманд оилаларга мансуб хотин-қизлар қўшимча давлат гранти бўйича ўқишга қабул қилинмоқда. Улар учун имтиёзли таълим кредитлари ажратилиш, ижтимоий ҳимояга муҳтожларнинг контракт пулини қоплаб бериш йўлга қўйилган.

Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили давлат дастурида хотин-қизларнинг соғлигини мустаҳкамлаш, бандлигини таъминлаш, аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш, ижтимоий ҳимоясини кучайтиришга қаратилган вазифалар ҳам талайгина. Хусусан, жорий йилда махсус комиссия тузилиб, хотин-қизларни касб-ҳунарга ўқитиш, бандлигини таъминлаш ва тадбиркорликка жалб этиш бўйича ишлар мутлақо янгича ёндашув ва тизим асосида ташкил қилинади.

Вилоят, туман, шаҳар ҳокимлари, ҳокимликларнинг хотин-қизлар ишлари бўйича ўринбосарлари ҳамда фаол аёллар махсус комиссия билан биргаликда 9442 та маҳалладаги 580 мингга яқин ишсиз аёлнинг бандлигини таъминлаш маъсул этиб белгиланади. Хотин-қизларни тадбиркорликка кенг жалб қилиш бўйича алоҳида дастур қабул қилиниб, лойиҳаларини амалга ошириш учун 15 триллион сўм ажратилади. Бундан ташқари, Саудия Арабистони, Қатар, Япония, Жанубий Корея ва Германиядан 100 миллион доллар грант жалб қилинади. Мана шу факт ва рақамлардан ҳам кўриниб турибдики, мамлакатимиз хотин-қизлари доимий эътиборда. Уларнинг муносиб ҳаёт кечириши учун шароит яратишга катта эътибор қаратилмоқда. Улар ўрғасида ўтказилаётган турли сўров ва таҳлиллар ана шу саъй-ҳаракатларга туртки бериши билан ахамиятлидир.

### Кун мавзуси

# УЙ ЕРТЎЛАСИДАН КАТТА БИЗНЕС САРИ

## Агар сизда ҳам шундай режа бўлса, қандай йўл тутиш керак?

**Фазилатхон Ўрмонова Фарғона шаҳридаги "Шакарқишлоқ" маҳалла фуқаролар йиғини Тарона кўчасида қурилган кўп қаватли уйларга кўчиб келган ёш оила бекаси.**  
Тикувчилик малакасига эга бўлгани учун уйда бекор ўтирмади. Дастлаб уйдан олисроқ худудда тикувчиликни йўлга қўйди. Фарзандлари ёш, уларни боғча, мактабга қузатиш ва кутиб олишда бирмунча қийинчиликларга дуч келди. Шу боис, ишини вақтинча тўхтатди.

Бир суҳбатда ўзи яшаётган кўп қаватли уй ертўласи ижара асосида тадбиркорлик субъектларига берилаётганидан хабар топди. Шу тариқа "Обод Тарона" уй-жой бошқарув сервис компаниясидан 20 квадрат метр жойни ижарага олиб, тикувчиликни қайта йўлга қўйди. Бу ерда аёллар ва болалар учун бежирим либослар тайёрланапти. Бундан ташқари, "Уста-шоғирд" мактаби асосида маҳалланин уч нафар хотин-қизига касб-ҳунар ўргатиб келади.

Уйимиз ертўласи қаровсиз, тунда қоронги, ёзда ҳашаротларга тўларди, — дейди Фазилатхон. — Уни аҳоли розилиги, уй-жой бошқарув сервис компанияси билан тузилган шартномага мувофиқ фойдаланишга олдим. Ижара тўловларимиз шаҳардаги бошқа жойларга нисбатан 5-6 баробар арзон. Масалан, 20 квадрат метр жой учун бир ойда 157 минг сўм ижара ҳақи тўлаймиз. Бунинг ҳисобига аҳолига арзон хизмат турларини таклиф қиламиз. Энди уйимизнинг шундоқ олдида ишлаш билан бирга фарзандларимиз таълим-тарбиясини назорат қилиш имконига ҳам эгамиз.

Тикувчилик устaxonиси шу худудда қўним топган мижозлар билан гавжум, файзли. — Уйимизнинг ертўласида тикувчилик цехи иш бошлагани ҳар жиҳатдан қўлай, — дейди Наргиза Аҳмедова. — Шу пайтга қадар оддий либос тайёрлатиш учун ҳам шаҳар марказига боришга мажбур бўлганмиз. Энди бу каби овозгарчиликлар барҳам топди. Энг муҳими, яшаш жойимиз ҳар жиҳатдан обод бўлишида тадбиркорлик субъектларининг ҳиссаси катта бўлмоқда. Яқинда тунги ёришчи чиरोқлари, кузатув камералари ўрна-тилди.



"Обод Тарона" уй-жой бошқарув сервис компанияси айна кунда 20 дан ортиқ кўп қаватли уй-жойга хизмат кўрсатади. Аммо асарият уйларининг ертўласи бўм-бўш. Айрим ертўлалар ўзбoшмчилик билан эгалланиб, кўф осилган.

Кўп қаватли уй ертўласини ўзбoшмчилик билан эгаллаб олганларга қонунчи-ликда белгиланган талаблар асосида чора кўриш юзасидан тегишли ташкилотларга мурожаат қилганмиз, — дейди сервис компания раиси. — Лекин ҳанузгача амалий ечим йўқ. Дастлабки ҳисоб-китобли-римизга кўра, 2000 квадрат метрдан ортиқ майдонли фойдаланилмаётган ертўла бор. Айна кунда мазкур жойларни қайта рўйхатга олиш, янги тадбиркорлик субъектлари учун жой таклиф қилиш борасида иш олиб бораемиз.

Биргина мисол. Фарғона шаҳри "Шакарқишлоқ" маҳалла фуқаролар йиғини Тарона кўчаси 16/13-кўп квартиралари уй-нинг ертўла қисмидан деярли фойдаланилма-япти. Фарғона вилояти курилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳаси-да худудий назорат қилиш инспекцияси мутахассислари томонидан ўтказилган ўрганишда ҳам уйнинг ертўла қисмидан омборхона сифатида самарасиз фойдалани-б келинаётгани аниқланди. Ҳолат бўйича инспекция мутахассислари томонидан кўп квартиралари уйда яшовчи мулкдорларга ертўла қисмидаги жойлар мулкдорлар розилиги ва бошқарув органи рўхсати асосида ижарага берилса, тадбиркор то-монидан тўланадиган ижара ҳақи шу уй-ларнинг умумий фойдаланишдаги жойлар-ни таъмирлаш ва сақлаш харажатлари учун йўналтирилиши тўғрисида ҳуқуқий тушунтиришлар берилди. Ертўлада тў-планлиб қолган чиндилар уйлорга хиз-мат кўрсатиб келаётган "Обод Тарона" уй-жой бошқарув сервис компанияси то-монидан тўзаланди.

Худудимиздаги 64 та кўп қаватли уй ертўлаларидан имкон қадар самарали фойдаланяпти, — дейди маҳалладаги ҳоким ёрдამчиси Эргашали Абдуллоев. — Шу кунга қадар бу ерда тадбиркорлик



фаолиятини бошламоқчи бўлган ташаб-бускорларга жами 150 миллион сўмдан ортиқ имтиёзли кредит ажратилди. Бу-нинг ҳисобига кўп қаватли уйлар ертўла-сида 18 та чевархона, 9 та гузаллик са-лонни, 10 та соғломлаштириш маскани, 8 та пазандалик тармоғи ташкил этилиб, 80 дан ортиқ янги иш ўрни яратилди. Бу маҳалла ҳаётидаги мавжуд имкониятлар билан таққослаганда бирмунча кам. Лекин кўл қовуштириб ўтирганимиз йўқ.

Фарғона шаҳрида ертўлаларининг умумий майдони 806 269 кв.м бўлган 1064 та кўп қаватли уй мавжуд. Бугунги кунга келиб, 457 450 кв.м ертўла майдонидан мақсадли фойдаланилмапти. Бу қанчадан-қанча хиз-мат кўрсатиш субъектлари ташкил этиш, юзлаб янги иш ўринлари яратиш имконияти борлигидан далolat беради.

Яна бир жиҳати, кўп квартиралари уйлар ертўласида ўтказилган ўрганишлар нати-жасида 36 та ҳолатда ундан фойдаланиш ҳоқим ёрдამчиси Эргашали Абдуллоев. — Шу кунга қадар бу ерда тадбиркорлик

гартириш киритилгани ҳамда ноқонуний эгаллаб олинган ҳолатлар юзасидан мажбурий кўрсатmalar берилиб, улар асл ҳо-латига қайтарилди.

Ертўлани ижарага олувчилар тўртта асосий қонун талабларига риоя этиши зарур, — дейди Фарғона вилояти қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида худудий назорат қилиш инспекцияси бўли-ми бош мутахассиси Музаффар Қўбoнов. — Фойдаланиладиган ертўлаларда алоҳида кириладиган эшик, табиий ёриш ва вен-тиляция мосламалари, жой девори, шифти ёнгинга қарши норма талабларига мувофиқ, пол қопланган ва пардозланган бўлиши ке-рак. Ертўлани ижарага олувчи унинг ўзига тегишли қисмининг ўз ҳисобидан жорий таъ-мирлаши, коммунал хизматлар харажатини

белгиланган тартибда ва муддатда тўлаб бо-риши лозим. Ертўлани бошқа мақсадда қай-та жиҳозлаш, ўзгартириш ва реконструкция қилиш, конструктив схемаси, олд қўриниши ва ташқи қиёфаси, муҳандислик-коммуни-кация тармоқлари бўйича ҳам тартиблар бор. Эндиликда кўп қаватли уйлар ертўла-си ва бўш майдонлар ҳақида маълумотлар рақамлаштирилди, "Менин уйим" тизи-мига боғланиб, аҳоли ва ташаббускорларга очик эълон қилиш тартиби жорий этилди. Ижара тўловларидан тўшган маблаглар ҳам фақат "Менин уйим" платформаси орқали ҳисоб-китоб қилинади ва аҳоли учун очик бўлади.

Сирасини айтганда, кўп қаватли уйлар ертўласида тадбиркорлик қилиш учун, ав-вало, шунга мос шароит бўлиши талаб этилади. Носаноат хусусиятга эга хизмат кўрсатиш тармоқлари фаолиятини йўлга қўйиш, қўшим-ча иш ўринлари яратиш худудини обод ва озода сақлашда янги имконият эшикларини очди.

**Расулжон КАМОЛОВ,**  
"Яни Ўзбекистон" муҳбири

\*\*\*  
Достонбек Саидов кўп қаватли уй ертўла-сида сартарошлик қилаётган эшлардан. У



# ХАВФСИЗ ВА ТИНЧЛИКСЕВАР ДАВЛАТ

## Ташқи сиёсат халқимиз манфаатларига хизмат қилмоқда



Лутфулло СУВОНОВ,  
“Янги Ўзбекистон” мухбири

### Бошланиши 1-бетда

Бу, ўз ўрнида, халқро майдонда халқимиз манфаатларини дадил ҳимоя қилиш имконини бермоқда. Буни турли давлатлар билан олиб борилаётган дипломатик мулоқотлар, биринчи навбатда, халқимизнинг тинч, хавфсиз, юртимизда ва хорижда эркин яшашни кафолатлашга қаратилган ишлар мисолида кўриш мумкин. Бундай кафолат мамлакатимизга инвесторларни жалб этиш, ўз ўрнида юрдошларимизнинг минтақа ва халқро миқёсда тadbиркорлик билан шугулланиши, замонавий билимлар олиши, янги касбларни эгаллаш учун имкон туғдирмоқда. Яъни Ўзбекистон халқро майдонда ҳам ўз фуқаролари муҳофазасини давлат томонидан таъминламоқда.

Тинчлик шуқуҳи ҳукмрон бўлмаса, инсонга табиатдаги ҳеч бир нарсанинг, жамиятдаги ҳузур-ҳаловатнинг қадри қолмайди. Хотиржамлик йўқ жойда тараққиёт бўлмайди. Келажак, эртанги кун ҳақида орзу-умид ҳам, бахт ҳам, осудалик ҳам ҳал-ёлга айланади. Шу боис, тинчлик тараққиётнинг бош омили, эришаётган барча муваффақиятларимизнинг калитидир.

Инсоният яшаш давомида эзгу мақсадларга етиш учун доимо изланади ва ҳаракатда бўлади. Эзгу мақсадли инсон орзу-умидини амалга ошириши учун энг катта таянч тинчлик ва осойишталик муҳитидир.

Ота-боболаримиз ҳар сафар дуога қўл оғанда тинчлик-хотиржамлик сўрашда

чқур маъно бор. Бу эса миллий ривожланишимиз ва тарихий тажрибамизда сигнал қадриятлар ташқи сиёсатимизнинг бутун мазмуни ва моҳиятида, ҳар бир сўзида акс этган. Бошқача айтганда, “Ўзбекистон — 2030” стратегияси ташқи сиёсатнинг асосий мақсади, мамлакатимизда ва минтақада барқарор ривожланишга, тинчликни таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар, стратегик вазифалардан ташкил қил топган.

Аҳолининг кенг қатлами, мамлакатимизда истиқомат қилаётган ва турли соҳаларда фаолият юритаётган фуқаролар кўшни давлатлар билан ўрнатилган ва тобора кенгайиб бораётган ўзаро алоқалардан манфаатдор. Айниқса, 2017 йилдан бошланган янги минтақавий сиёсий дипломатик алоқалар минтақа доирасида ўзаро маданий-маърифий, иқтисодий, гуманитар, тadbиркорликни ривожлантиришнинг янги механизmlарини яратди.

Очингини айтиш керак, узоқ йиллар давомида кўшни давлатлар билан борди-келди анча камайган, чегаралар ёпилган тарзда яшашга мажбур бўлдик. Бироқ сўнгги йилларда вазият тубдан ўзгарди. Бугунги кунда ён кўшнларимиз билан ишонч ва ҳурматга, ўзаро манфаатли ҳамкорликка асосланган прагматик сиёсат олиб боришмоқда.

Аҳамиятлиси, кўшни давлатлар билан савдо-сотик, маданий-маърифий алоқалар борган сари ривожланаётган. Энг муҳими, қардош халқлар ўртасидаги ўзаро ишонч, қўда-андачилик, яхши кўшнчилик анъаналари қайта тикланди. Бу эса халқ дипломатиясининг амалдаги яққол кўринишидир.

Бир неча йил давомида сунъий равишда тўхтаб қолган яхши кўшнчилик, одамлар

ўртасидаги борди-келди, қариндошлиқнинг халқро ҳуқуқий механизmlари қайта тикланди. Айни дам бу борадаги муносабатлар янги босқичга олиб чиқилди. Бу жараён, ўз навбатида, минтақа давлатлари аҳолиси ўртасида, айниқса, ишлаб чиқариш, савдо-сотик, тadbиркорлик соҳаларида янги ва истиқболли шерикчилик, ишлаб чиқаришда кооперация ташкил қилинишига сабаб бўлди. Аҳоли турмуш кил топган.

Узоқ йиллар давомида кўшни давлатлар билан борди-келди анча камайган, чегаралар ёпилган тарзда яшашга мажбур бўлдик. Бироқ сўнгги йилларда вазият тубдан ўзгарди. Бугунги кунда ён кўшнларимиз билан ишонч ва ҳурматга, ўзаро манфаатли ҳамкорликка асосланган прагматик сиёсат олиб боришмоқда.

Узоқ йиллар давомида кўшни давлатлар билан борди-келди анча камайган, чегаралар ёпилган тарзда яшашга мажбур бўлдик. Бироқ сўнгги йилларда вазият тубдан ўзгарди. Бугунги кунда ён кўшнларимиз билан ишонч ва ҳурматга, ўзаро манфаатли ҳамкорликка асосланган прагматик сиёсат олиб боришмоқда.

даражаси яхшиланиши, фаровонлиги ўсишига олиб келди.

Албатта, бу жараён, бир томондан, бевосита аҳоли манфаати асосида шаклланиб, ривожланиб бораётган бўлса, иккинчи томондан, ушбу жараённи чуқурлаштириш ва жаҳон бозорига чиқиш учун ҳамкорликда ишлаш билан боғлиқ эҳтиёж ва манфаатлар шаклланишига сабаб бўлди. Ўзбекистоннинг янги минтақавий



ҳамкорлик буйича дадил ва прагматик ҳаракатлари ҳамда истиқболли режалари бунинг асосий ривожлантирувчиси. Буни кейинги йилларда кўшн мамлакатлардан аҳолининг Ўзбекистонга келиши, қариндош-ўруғлари билан кўришиши, олий ўқув юртларида таълим олиши, тadbиркорлик ва савдо-сотик ишлари билан шугулланиши каби ижобий ҳолатлар қўлга келди ҳам кўриш мумкин.

Келгусида бу борадаги ишлар кўлами янада кенгайиши кўтилмоқда. Негаки, аҳоли эҳтиёжи ва манфаатдорлиги кўн сайин ошиб бораверади. Шу боис, халқимиз, айниқса, ёшлар, ўз навбатида, хорижлик ҳамкорлар ҳам ушбу алоқаларни мустақамлаш тарафдордир.

Ташқи сиёсатдаги бундай илиқ ҳамкорлик кўлами кенгайиши аҳолининг иқтисодий манфаатларини таъминлашда қўл

келмоқда. Яъни янги ҳамкорликлар сабаб кўплаб янги иш жойлари яратилмоқда. Замонавий технологик кўша корхона ва фабрикалар сони ошиб борапти. Натижада аҳоли кўп яшайдиган, аммо ишлаб чиқариш қуввати мавжуд бўлмаган ҳудудларда саноат корхоналари ташкил этиляпти. Эски инфратузилма замонавий технологик ўзгаришлар асосида модернизация қилиниб, ишга туширилмоқда. Келгусида шу йўналишларда бизга манфаатлари мос

Бугунги кунда хорижда беш миллиондан ортиқ юрдошларимиз яшаб, турли соҳаларда фаолият олиб бормоқда. Уларга ўзбек тилини ва маданиятини, миллий урф-одатларини сақлаб қолиши, ўзаро тadbиркорликни амалга ошириши ва мамлакатимиздаги қариндошлариникига келиб-кейтиши учун барча ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароит яратилди. Бу йўналишдаги ишларни янада яхшилаш ва самарадорлигини ошириш учун

мамлакатимизда Ватандошлар жамғармаси фаолият юритмоқда.

Ушбу жамғарма фаолияти доирасида кенг қамровли маданий-маърифий тadbирлар амалга оширилмоқда. Бу фаолият, аввало, юрдошларимиз манфаатидан келиб чиқиб, амалга ошириляётган бўлса, иккинчи томондан, хорижий давлатлар билан ўзаро алоқаларни ривожлантиришга ўзига хос ёрдам бермоқда.

Демак, юқоридегилардан кўриниб турибдики, шахсан давлатимиз раҳбари ташаббуси билан амалга ошириляётган ташқи сиёсат, аввало, халқимиз эҳтиёжи ва манфаатларини таъминлаб, ташқи сиёсий дипломатик фаолиятнинг барча шарт-шароитларини яратиб бермоқда. Бундай ташқи сиёсатнинг асослари янги таҳрирдаги Конституцияимизда мустақамлаб кўйилган.

Бу йўналишда янги қўйилган мақсадлар халқимизнинг ижтимоий-иқтисодий турмуш шароитини янада яхшилаш ва фаровонлигини ошириш, минтақавий ва халқро ҳамкорликни изчил ривожлантириш, ёшларимиз замонавий дунёда ижобий имкониятларини ўзлаштириб, рақобатбардор шавд бўлиб камол топишига хизмат қилади.

Айни пайтда мамлакатимизнинг иқтисодий очкилиги ҳамда инвестициялар ва бизнес учун жозибадорлиги, барча муаммолари масалаларни ақдильлик, ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатлик асосида ҳал этишига интилиш, дунёнинг етакчи давлатлари ва бошқа мамлакатлари билан мувозанатли, ўзаро манфаатли алоқалар юритиш, сиёсий ишонч ва халқро ҳуқуққа риоя этилиши асосидаги ўзаро ҳамкорликка интилиш ташқи сиёсатимизнинг устувор йўналишларидандир.

Бир сўз билан айтганда, халқро майдонда Ўзбекистон Республикасининг давлат манфаатларини масъулятли ва самарали ҳимоя қилиш буйича ишлар изчил давом эттириляди.



Фирдавс ШАРИПОВ,  
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси қўмита раиси ўринбосари

Қонун ижодкорлиги Олий Мажлис фаолиятининг энг муҳим, асосий йўналишларидан бири. Албатта, қонунлар инсон ҳуқуқи, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлашга хизмат қилади. Шу маънода, Олий Мажлиснинг бу борадаги фаолият сифатини ошириб бориш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланади.

Президентимизнинг 2018 йил 8 августдаги “Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармони мазкур фаолиятга замонавий ёндашув ва янгича мазмун олиб кирди. Шу асосда изчил ва кенг кўламли ислохотлар амалга оширилди, янги тартиб-қоидалар жорий этилди.

Жумладан, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва тўғридан-тўғри амал қилувчи қонунлар қабул қилишнинг демократик шакллари жорий этиш, қонун лойиҳаларини кенг жамоатчилик вакиллари муҳокама қилишга ўтказиш, шунингдек, халқро шартнома ва рейтингларга мослигини ўрганишга устувор аҳамият берилди. Бу самарасини берди: охириги 6 йил ичида Ўзбекистон “Қонун устуворлиги” (Rule of Law) индекси бўйича 5 ҳамда “Жаҳон бошқарув кўрсаткичлари” (WGI) индексида 24 поғона юқорилди.

# НОРМА БИР, ТАЛҚИН ТУРЛИЧА

## Тўғридан-тўғри амал қилувчи қонунлар қабул қилиш вақти келди

Мазкур соҳа ривожига оид “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизаси тўғрисида”ги ҳамда янги таҳрирдаги “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги каби муҳим қонунлар қабул қилинди.

Шу ўринда қонун ижодкорлигининг ҳаётга жорий этилган айрим жиҳатларига тўхталиб ўтсак.

Янги таҳрирдаги қонун ҳужжатини қабул қилиш ўрнига янги қонун ҳужжатини қабул қилиш ва бир вақтнинг ўзида амалдаги қонун ҳужжатини ўз кучини йўқотган деб топиш амалиёти жорий этилди. Бу, ўз навбатида, турли чалқашликлар ва тушунмовчиликларнинг бартараф этилишига олиб келди.

Шунингдек, қонун лойиҳаларининг халқро шартномаларга, Ўзбекистоннинг халқро рейтинг ва индекслардаги ўрнини яхшилаш бўйича тавсияларга мослигини ўрганиш амалиёти йўлга қўйилди. Бу эса давлатимизнинг халқро майдондаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўлақонли бажарилишига, юртимизнинг инвестициявий жозибадорлиги ошишига, умуман, мамлакатимизнинг халқро майдондаги нуфузини янада юксалтиришга хизмат қилмоқда.

Муҳим жиҳати, “қонуннинг бирдан-бир манбаи ва муаллифи том маънода халқ бўлиши шарт” деган устувор тамойил асосида қонун ижодкорлиги жараёнига жамоатчилик жалб қилинмоқда. Қонун лойиҳалари кенг муҳокамага қўйилиб, фуқароларнинг фикр-мулоҳазалари ва тақлифларини ўрганган ҳолда тайёрлаш, аҳоли ўртасида очик муҳокамалар ўтказишга устувор аҳамият қаратилмоқда. Улар сиёсий партияларнинг ҳудудий органлари ҳамда Халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари депутатлари билан ҳам муҳокама қилиниб, тақлифлар олиниши бу йўналишдаги фаолият самарадорлигини оширмоқда.



Шу билан бирга, тўғридан-тўғри амал қилувчи қонунлар, яъни ижро этилиши учун яна бир ҳужжат ишлаб чиқиши талаб этилмайди. Қонунларни қабул қилишга эътибор кўрайди. Бу каби янги ёндашувлар татбиқ этилиши натижасида қонун ҳужжатларининг натижадорлиги ва ҳаётийлиги ошмоқда.

Қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектларининг қонун ижодкорлиги жараёнидаги масъулятини янада ошириш учун қонун лойиҳаси Олий Мажлис Қонунчилик палатасида биринчи ўқишда кўриб чиқилаётганда ташаббускор субъект ёки унинг вакили маъруза билан чиқиши ва ҳимоя қилиши белгиланган. Бу қонун лойиҳаси сифатини яхшилашга, субъектларнинг ушбу жараёндаги фаолиятини янада кучайтиришга ва муҳокаманинг жонланишига хизмат қилмоқда.

Жамиятдаги ўзгаришлар, ислохотлар шиддати ортиб борапти. Ушбу жараёнларнинг қонуний базасини ўз вақтида мустақамлаш зарурати нуқтаи назаридан

қонунларга ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳолатлари кўпаймоқда. Шундан келиб чиқиб, қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритишни назарда тутуви қонун лойиҳаларининг шакли ҳамда расмийлаштириш тартиби такомиллаштирилди. Яъни уларда ушбу ўзгариш ва қўшимчаларнинг мазмун-моҳиятини халқимизга тушунарли, содда, халқчил ва раван тилда тушунтиришга қаратилган муқаддима жорий этилди. Муқаддимада эса киритилаётган янгиликнинг сабаби, мақсади, зарурати ва натижаси очиб берилди.

Қонун ижодкорлиги соҳасида айрим камчиликлар ҳам йўқ эмас. Жумладан, қонун лойиҳаларидаги ҳаволаки нормалар ёки ижтимоий муносабатларнинг аниқ механизmlари кўрсатилмасдан, асосан, қонундош ҳужжатлар билан тартибга солинадиган нормалар ҳам қўлланилмоқдаки, бу амалиётда ҳуқуқни қўллашда турлича талқин қилиниши мумкин.

Ҳаволаки норма деганда у ёки бу қондан қонун ҳужжатларидаги бошқа моддаларга ёки илгари қабул қилинган қонун ҳужжатларига ҳавола қилиш ёхуд нормаларнинг ўзаро боғлиқлигини кўрсатиш, яъни агар норманинг ўзида қондалар белгиланган бўлмаса, уларни ўзида мужассам этган бошқа нормага ҳавола этиш тушунилади.

Қонун ҳужжатларида ҳаволаки нормалар бир неча мақсадда фойдаланилади. Жумладан, норматив кўрсатмаларнинг ўзаро боғлиқлигини ифодалаш зарурати бўлган ҳолларда ёхуд тартибга солинган муносабатни қайта тақдоран тартибга солишнинг олдини олиш учун қўлланилади. Бундан кўринадики, ҳаволаки нормалар керак. Фақат қонун даражасида белгиланиши лозим бўлган қоидаларни қонуности ҳужжатга ҳавола этмаслик лозим. Сабаби, ҳаволаки нормаларнинг хавфли жиҳати у ёки бу масалани тартибга солишни бошқа мансабдор шахснинг иштирокида қолдиришдан келиб чиқади. Шунинг учун ҳам юқорида таъкидлаганимиздек, кейинги йилларда тўғридан-тўғри ишлайдиган қонунларни қабул қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Қонун ижодкорлигини янада ривожлантириш бўйича аниқ истиқболли режалар мавжуд. Хусусан, “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида тўғридан-тўғри амал қилувчи қонунларни қабул қилиш амалиётини кенгайтириш, уларнинг мониторингини ва тартибга солиш таъсирини баҳолаш ҳамини ошириш, барча учун қулай, содда ва ихчам қонунчилик тизimini яратиш мақсадида бир қатор самарадорлик кўрсаткичлари белгиланган.

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 19 февралдаги “Қонунларнинг ижтимоий муносабатларини тартибга солишдаги ролини ҳамда норма ижодкорлиги жараёни сифатини янада ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори би-

лан соҳадаги қатор масалалар ўз ечимини топмоқда.

Аввало, давлат ва жамият курилиши, суд-ҳуқуқ, иқтисодиёт ва ижтимоий соҳалардаги қонунларнинг ҳаволаки нормаларини амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар режаси тасдиқланиб, 2 та кодекс ва 21 та қонундаги 41 та ҳаволаки нормани амалга ошириш бўйича масъул ижрочилар ва аниқ муқаддлар белгиланган.

Иккинчидан, 2024 йил 1 мартдан бошлаб агар қонун лойиҳасида ҳаволаки норма қўлланилса, уни амалга оширишнинг аниқ муддати ва масъул ижрочи лойиҳанинг ўзида мажбурий тартибда белгиланади. Яъни энди умумийлик, махсусликдан аниқликка ўтилади.

Учинчидан, қонуности ҳужжатлар билан тартибга солинган муносабатларни қонун даражасига кўтариш имкониятини муҳокама қилиш шартлиги белгиланиб, бу ҳақда қонун лойиҳасининг тушунтириш хатида баён этилади.

Тўртинчидан, қонуннинг самарадорлиги, мақсади ва қўтилган натижаларига эришилганини аниқлаш учун қонун кучга кирган кундан бошлаб беш йил ўтиб, масъул давлат органи ва Олий Мажлис палаталарининг қўмиталари томонидан унинг тартибга солиш таъсирини баҳолаш амалиёти жорий этилади.

Бешинчидан, янги таҳрирдаги Конституцияни ишлаб чиқиш жараёнида лойиҳани тайёрлашдан олдин халқнинг фикри олиниб, ундан сўнг лойиҳа умумхалқ муҳокамасига қўйилган эди. Мазкур ижобий тажрибадан келиб чиқиб, энг муҳим иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эга норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар энди худди шу тартиб асосида ишлаб чиқишлини белгиланмоқда. Бу орқали жамоатчиликнинг кенг иштироки ҳамда ҳужжатнинг халқчил бўлиши таъминланади.

Умуман олганда, қонунлар халқ манфаати, фуқаролар учун яратилди. Шундай экан, уни ҳамма тушунадиган шаклда ишлаб чиқиш, қабул қилиш ва уни амалда қўллаш олиш имкониятини ошириш асосий вазифа ҳисобланади.



Меҳрли сиёсат

# ИНСОН ҚАДР ТОПГАН, СИЙЛАНГАН ЖОЙИДА АЗИЗ

## Ёшлар маҳалладаги етакчи ёрдамида буни ўз ҳаётларида ҳис қиляпти



Рисолат МАДИЕВА, “Янги Ўзбекистон” мухбири

Олмазор тумани Чилтўгон маҳалласида яшашган Дониёрбек Панжиев жамоат жойида муштлаштириш оқибатида пробация ҳисобига олинган.

Отам узок йиллар устачилик қилиб, бизни ҳалол меҳнат билан вояга етказган. Болалигимдан отамга ҳамроҳлик қилиб, устачилик касби сир-синоатларини эгалладим, — дейди Дониёрбек. — Ўрганганларимни ҳаётда қўллаб, шунинг ортидан пул топаётган, рўзгорнинг кам-кетгини тўлдирётган эдим. Тез бойиб кетаман, деган ҳаёлда устачиликни ташлаб, уяли телефон савдоси билан шуғулланишга киришиб кетдим. Кунлардан бир кун харидор билан торттишиб қолдик. Тортишув муштлашувгача борди... Шу воқеа туфайли пробация ҳисобига киритилдим. Мана энди ободлаштириш бўлимида ҳудуд ишчиси бўлиб ишлайман.

Дониёрбек Панжиевнинг ҳаёти билан яқиндан танишиш мақсадида келган ёшлар етакчиси Жаҳонгир Носиров устачилик фаолиятини қайта бошлаши учун унга нима халал бераётганини сўради. Дониёрбек: “Иш қуролнинг соз бўлса — машаққатнинг оз бўлар, менда эса керакли ускуналар йўқ, сотиб олишга маблағим ҳам етарли эмас. Агар улар бўлганда жон деб отам касбини давом эттирган бўлар эдим”, дея жавоб қайтарди.

Етакчи томонидан дарҳол уни “Жисмоний шахсларнинг сантехника ускуналарини майда таъмирлаш ва ўрнатish” йўналиши бўйича ўзини ўзи баңд қилиши ва “Ёшлар дафтари” орқали субсидия сифатида асбоб-ускуна олишига кўмак бериш чораси кўриldи.

Тез орада Д.Панжиевга 9 миллион сўм миқдордаги асбоб-ускуналар олиб берилди.

Ёшларга қартилаётган имкониятларини бутун ўзимда тўлақонли ҳис қилдим. “Ёшлар дафтари” орқали менга тақдим этилган ускуналар инш фаолиятимда асқатмоқда. Бу ёрдам менга ҳаётга тўғри қадам ташлаш имтида кўприк бўлиб хизмат қилди, — дейди Дониёрбек ўзига ишончи ортиб.

Эгзу оруз ўйлардан бир зум чалгитган инсонни ҳаётнинг турли чигалликлари ўз домига торттиш табиий. Аммо у ҳамма вақт ана шу қийинчиликлардан чиқиб учун узатиладиган қўл, далда ва кўмакка муҳтож бўлади. Инсонлар ҳаётини яхши ўзанига буриб юбориш, кўмакка муҳтожларга ёрдам қўлини чўзиш меҳрли сиёсатнинг бир булагидир экан, Дониёр каби ёшлар асло эътибордан четда қолмайд.



Ёшлик юксак чўққиларга интилиши, орзу-умидлари ва яратувчанлиги билан гўзал. Ана шу гўзалликин қадрай олмай йўлларда адашган, ҳаётининг айни навқирон палласини панжара орқасидаги маҳкумлиқка алмашган ёки ҳуқуқбузарлик содир этган, адашиб нотўғри йўлга кириб қолган ёшлар билан учрашганингизда юрагингизда оғриқли бир ҳис туясиз. Ўз ҳатти-ҳаракатларига масъул бўлолмаганингиз товони — озодлиги, қадри, шаъни ва обрўсини бой бериш билан тўланар экан, нега хатога йўл қўйилди? Нима сабабдан шиддати энг ёвқур шамоаларни орта қолдирадиган бир пайтда нотўғри ҳаётни танлади? Ахир у ҳам кимнингдир дилбанди, суюкли фарзанди-ку?!

### Ёшларнинг бўш вақти — етакчининг иш вақти

Давлатимиз раҳбарининг 2022 йил 19 январда қабул қилинган “Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори навқирон авлод вакиллари ҳаётда туб бурилиш ясади.

Ёшлар билан ишлашнинг янгича бошқарув механизмларини жорий этиш, улар билан ишлашнинг вертикал тизимини яратиш, ёшлар муаммоларини бевосита маҳаллаларда ҳал қилиш мақсадида қарор билан маҳаллада ёшлар етакчиси лавозими жорий этилди. Мана, икки йилдан ортиқроқ вақт давомида етакчилар ёшларга яқин дўст, маслаҳатгўй ва кўмакдош бўлиб келмоқда.

Ёшлар етакчиларининг вазифаларидан бири маҳалладашларни, дўстларни, ўртоқларини тўғри йўлга бошлаш оlish, уларга кўмаклашишдан иборат. Йилнинг биринчи чораги етакчининг “Ёшлар баланси”ни қайта шакллантиришидан бошланади. Хатлов давомида маҳалладаги барча ёшларнинг қизиқишлари, уларни қийнаб келаятган муаммолар ўрганилиб, ҳал этиш бўйича тизим ташкил этилади. Ёшлар билан суҳбат ўтказилиб, хатлов якунига кўра, “Ёшлар баланси” шакллантирилади.

Хатлов жараёнида ёшлар яратилаётган имкониятлар тўғрисида ўзини қизиқтирган саволларга жавоб олади. Шунингдек, бўш вақтини мазмуни ташкил этиш, бандлигини таъминлаш, иқтидорли ёшларни излаб топиш, истеъдодини рўёбга чиқариш, давлат кўмағига муҳтож “оғир” тоифадаги ёшларнинг ҳаётда ўз ўрнини топишига кўмаклашиш, китобхонликни кен тарғиб этиш, хориждаги ёшлар билан алоқа ўрнатиш, “Ёшлар дафтари”га киритилган йигит-қизларнинг муаммоларини ҳал этиш каби қатор вазифалар етакчи фаолиятининг муҳим йўналишлари саналади.

Шу қисқа мuddат ичида ёшларимиз ҳаётда қандай ўзгаришлар содир бўлди? Етакчилар маҳалладаги тенгқуларнинг ҳаққий кўмақчисига айлана олдимиз?

Ҳа, улар ёш йигит-қизлар ҳаётига дадил кириб бормоқда. Мисол учун, энг чекка қишлоқ ва овулардаги қобилияти, истеъдодини етарлича намоён эта олмаётган ўғил-қизларимиз учун жуда катта имконият саналган “Беш ташаббус олимпиадаси”нинг юқори савияда ташкил этилишида етакчиларнинг ўрни алоҳида. Ўғил-қизларимизни ҳаётда тугулмоқда, — дейди Спорт вазирлиги оммавий спортни ривожлантириш бўлими бош мутахассиси Санжар Бекжанов.

Йўлга қўйилган ушбу тизим ва ёндашув ёшларни оммавий спортдан бошлаб профессионал спортчи сифатида тайёрлашда ижобий натижа бермоқда. Иштирокиларини рўйхатта олиш, маҳалла жамоаларини шакллантириш, катта марралар сари ундашда ёшлар етакчиларининг жонбозлиги қўл келмоқда.

— “Беш ташаббус олимпиадаси” ўтказилганга қадар маҳалламиз ҳудудда ҳеч қандай спорт майдончаси бўлмаган, — дейди Жиззах шаҳар “Турон” МФЙ ёшлар етакчиси Дилшод Гуломов. — Ушбу олимпиадада иштирок этган маҳалламиз ўғил-қизлари шаҳар, вилоят, республика босқичларида гўлиб бўлди. Ёшлар бу муваффақияти билан маҳалла ҳудудда бир эмас, бешта замонавий спорт майдони қурилиши учун имтиёзни қўлга киритди. Бу майдонлар айни пайтда маҳалла ёшлари ихтиёрида.

маданият, санъат, спорт, китобхонлик, ахборот технологиялари, интеллектуал ўйин йўналишларига жалб этиш, иқтидорларини кашф этиш ҳамда қўллаб-қувватлаш учун ҳар бир тенгқури билан суҳбат олиб бориш, уларга мазкур мусобақаларнинг афзаллиги, шахс камолотидаги муҳим аҳамиятини тўшунтириш етакчи зиммасидаги муҳим вазифалардан саналади.

— 2023 йилда бир қатор муҳим йўналишларини ўзида қамраб олган йигирмадан ортиқ танлов ва мусобақаларда 12 миллионга яқин ёш иштирок этди, — дейди Ёшлар ишлари агентлиги ёшлар маънавиятини юксалтириш ва бўш вақтини мазмуни ташкил этиш бўлими бош мутахассиси Шохбег Эргашев. — 1500 дан ортиқ ёшлар танлов ва мусобақаларнинг республика босқичи гўлиб ва совриндорлари бўлди.



Рақамлар олимпиадининг ёшлар ҳаётига нақадар кен кириб боргани, катта ўзгаришларга сабаб бўлаётганини яққол кўрсатиб турибди. Биргина спорт йўналишида эришилаётган натижаларга назар солсак, оммавий спорт мусобақалари орқали ўтган йилда 11 минг 600 дан ортиқ ёшлар спорт таълим муассасаларига саралаб олинди, доимий шуғулланиш учун йўналтирилганига ғувоҳ бўламиз.

— Оммавий спорт мусобақаларида гўлиб ва совриндор бўлган жамоалар маҳалла-ларда қарийб мингта спорт майдончаси қурилиб, аҳолининг спорт билан шуғулланиш имкониятлари янада кенгайтирилди. 2030 йилгача маҳаллаларда бундай спорт майдончалари сони 5 мингтага етказилиши кўзда тутилмоқда, — дейди Спорт вазирлиги оммавий спортни ривожлантириш бўлими бош мутахассиси Санжар Бекжанов.

Иўлга қўйилган ушбу тизим ва ёндашув ёшларни оммавий спортдан бошлаб профессионал спортчи сифатида тайёрлашда ижобий натижа бермоқда. Иштирокиларини рўйхатта олиш, маҳалла жамоаларини шакллантириш, катта марралар сари ундашда ёшлар етакчиларининг жонбозлиги қўл келмоқда.

2022 йилда Стрит воркаут ва стритбол учун майдончани қўлга киритган бўлсак, 2023 йил ҳам ёшларимиз учун омадли келди. Биз универсал спорт майдончаси — баскетбол, волейбол майдончаси ва мини стадион ютиб олдик. Айни пайтда шаҳар ҳамда вилоят ҳокимликлари томонидан катта футбол майдони қуриш ишлари бошланди.

Маҳалла ёшлари спортнинг барча тури бўйича тенгқуларига ўрнатиб бўлмоқда. Уларнинг эришаётган натижалари ўз самарасини бераётди. Маҳаллада жиноятчилик сони кескин камайди. 2022 йил 5 нафар ёш жиноят содир этган бўлса, 2023 йилда бир нафарини ташкил қилди.

Ёшлар бандлигини таъминлаш ҳам эътиборга молик ишлар бажарилляпти. Тадбиркорлик фаолиятини бошлаши учун 33 йигит-қизга қарийб 900 миллион сўмлик имтиёзли кредит ажратилди ва бандлиги таъминланди, 50 нафари эса касб-ҳунарга ўқитилди.

“Ёшларнинг бўш вақти — етакчининг иш вақти” тамойилини ўзига шiori қилиб олган маҳалла ёшлар етакчиси тенгқуларининг ҳаётда ўз ўрнини топиши учун куч-ғайратини аямаяпти.

### Дилафрўз мамнун: ҳам фарзандини даволатди, ҳам ишли бўлиб, даромад топяпти

Ҳеч ким фарзанди хасталиги билан синалмагани экан. Аммо дард сўраб ўтирмайди. У катта ёки кичик демайди, инсон бошига оғир синов бўлиб тушаверилади. Андижонлик Дилафрўз Собировани ҳам шу синов четлаб ўтмади. Ўғли Мухаммадумар тугма буйрак касаллиги билан олган. Болакай ҳозир уч ярим ёшда, 2-турух ногирони.

— Касал касал эмас, касал боққан касал”, дейишад. Дилафрўз ўғли парваршиш билан андармон. Рўзгордан, боладан ортиб, бирор жойда ишлаш олмайд. Оиланинг моддий таъминоти ҳаминқадар, айниқса, ўғlining даволиниши ва парваршиш учун сарфланадиган маблағ Дилафрўз-ни анча толиқтириб қўйган.

Дарвозанинг оҳиста тақиллаши чорасизликдан эзилди ўтирган Дилафрўзнинг хаёлларини тўзгитиб юборди.

Ўзини Андижон шаҳар Шодлик маҳалласи ёшлар етакчиси деб таништирган йигит Дилафрўзнинг онлави аҳволи билан қизиқиб бошлади. Иجتимой муҳтож бу оилага кўмак кўрсатиш мақсадида дарҳол ҳужжатларини тўплаб, туман “Ёшлар дафтари” васийлик кенгашига ёрдам олиш учун тавсия берди. Ниҳоят, ёру қуларнинг дараги чиқадиган, ҳаёт ташвишларидан толиққан ва аёлининг дардига малҳам бўладиганлар топилди. Маҳалла етакчиси тавсиясига кўра, унга туман ҳокимлигидан моддий кўмак кўрсатилди. Дилафрўз ана шу кўмак асосида фарзандини икки марта операция қилдириди. Мураккаб жарроҳлик амалиёти учун талаб этилган барча маблағ қоплаб берилди.

Дилафрўз шу билан чекланиб қолмади. Ёшлар етакчиси Элдорбек Юнусов кўмағи билан Андижон шаҳридаги “Ишга марҳамат” мономарказида тикувчиликка ўқиди. Унга тикув машинаси берилди. Айни пайтда уйда замонавий пардалар тикиб, рўзгорига даромад олиб кирляпти.

— Жарроҳлик амалиёти ва муолажалар ўз самарасини берди. Фарзандимнинг соғлиги тобора тикланиб бораётти, — дейди Д.Собирова. — Ўзим ҳам тикувчиликка ўқиб, ҳунарим ортидан пул топишга киришдим. Бу оиламга мадад бўляпти. Ҳолимиздан хабар олган ва ўнганлишимизга кўмак берган ёшлар етакчисига раҳмат.

### “Бир ижобий фикр туфайли мен ўз келажгимни танладим”

Талабалик — олтин давр. Бу даврнинг шиддатли, сурурли дамлари киши қалбини ҳаяжонга тўлдирди, илм олиш йўлидаги уриниш ва изланишлар инсонни камолга етказди. Бир касбнинг етук мутахассиси бўлиш, шу орқали жамятга, юртамга



келтириш, умр аталмиш неъматни мазмуни ва самарали ўтказишга пойдевор айнан талабалик пайтида қўйилади. Бирок ана шу бахт ҳаммага ҳам насиб қилавермайди.

— Эндигина маҳалла ёшлар етакчиси сифатида фаолият бошлаб, “Ёшлар баланси”ни шакллантириш мақсадида хондонма-хондон юриб ёшларнинг ўй-фикрларини ўрган эканмиз, оғир хасталикка дучор бўлган Шохжаҳон исми йигитнинг уйига бордик, — дея гап бошлади Олмазор туманидаги Эски шаҳар маҳалласи ёшлар етакчиси Саидабзал Исмолов. — Бу йигитга узок йиллардан буён жарроҳлик ёрдами зарур эканини билдик. Қолаверса, оиланинг иجتимой аҳволи танг эди.

Шохжаҳоннинг ҳужжатларини тўплаб, туман “Ёшлар дафтари” васийлик кенгашига ёрдам олиш учун тавсия қилдик. Тез орада у “Ёшлар дафтари” орқали кўмак олиб, жарроҳлик амалиётини ўтказиш учун шифохонага ётқизилди...

Кунни кеча Шохжаҳонни кўчада учратиб қолдим: ўзида йўқ хурсанд, мактабини таъминлаб, мамлакатимиздаги нуфузли олий-гоҳга қабул қилинбди. Бу хабарни эшитган, ич-ичимдан қувониб кетдим ва маҳаллада ёшлар етакчиси вазифасида фаолият юритиб келаятганимдан жуда фахрландим.

Ёшлар қанчалик билимли, касб-ҳунарли бўлса, мамлакат иқтисодиёти шунча тараққий этади. Бу борада етакчилар ёшларга яқин дўст, маслаҳатгўй ва кўмакдош бўлмоқда.

Ўтган йили ёшлар етакчиларининг мактаб битирувчилари билан ўтказган профиллактик суҳбатлари ҳам ўз самарасини берди. Жумладан, Олмазор туманидаги Чилтўгон маҳалласида истиқомат қилувчи 38 нафар мактаб битирувчиси ҳаётда ўз ўрнини топди.

— Олий таълим муассасасига киришни бир умр орзу қилганим, лекин шартнома асосида ўқишга қабул қилинсам, тўловни қандай амалга ошираман, деган савол мени қийнади, — дейди маҳалла ёшларидан бири, Тошкент халқаро молиявий бошқарув ва технологиялар университети талабаси Фахриддин Тохиров. — Ўқув йили тугашига яқин маҳалламиз ёшлар етакчиси мактабимизга келиб, ҳар биримиз билан алоҳида суҳбатлашди. Мактабини таъминлаганимдан сўнг нима иш қилишимиз, қандай орзуларимиз борлиги ҳақида сўради. Мен уларга оилавий шароитимни



тўшунтириб, ҳали ҳаёт йўлимини танлай олганимни айтдим. Шунда пухта тайёрлашганини, агар шартнома асосида топишига қабул қилинсам, тўловнинг 50 фоизгача бир қисми “Ёшлар дафтари” орқали қоплаб берилиши мумкинлигини тўшунтирдим. Мана, бугун нуфузли олийгоҳлардан бирига бағиб қилиндим. Етакчимиз ўз ваъдасида туриб, шартнома суммасининг бир қисмини қоплашда кўмак кўрсатди. Бир ижобий фикр инсонни қай даражада руҳлантириб юборишини, ҳатто келажиги учун тўғри танлов қабул қилишида жуда муҳим эканини ўз хаётимда кўрдим. Бундан жуда мамнунман.

Бугунги кунда Чилтўгон маҳалласида Фахриддин сингари етти нафар ёшнинг шартнома тўловининг бир қисми қоплаб берилди. Олий таълимда ўқишни давом эттириш имкони бўлмаган ўн икки битирувчи ёшнинг бандлиги таъминланиб, доимий ишга жойлаштирилди.

Ёшларнинг орзу-истакларини маҳалладаги ёшлар етакчиси яхшироқ билиди. Қайси маҳаллада ёшлар етакчиси ўз номига яраша

бошқаларни ўз ортидан эргаштира олса, ўша маҳаллада нохуш ҳолатлар кам, ҳудуд тинч ва фаровон бўлади.

### Юрт осойишталиги, эл хотиржамлиги оиладан, маҳалладан бошланади

Шу замин фарзанди эканидан ифтхор туйган йигит-қиз учун ватаннинг ҳар бир қарич ери муқаддас. Жасорати, ғурури ва ори баланд инсон ўз ватанининг дахлсизлиги, осойишталигини асрашни зиммасидаги бурч деб билади.

Умумтаълим мактабларининг “Ватан таянчи” бўлими раётида ўтказилаётган “Ватанпарварлар” ҳарбий-спорт мусобақаси ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизнинг чекка ва чегараолди ҳудудларидаги мактаб ўқувчилари ўртасида ўтказиб келинаётган яна бир беллашув — “Ёш чегарачилар” ҳарбий-ватанпарварлик мусобақасининг юқори савияда ўтказилишида етакчиларнинг ҳиссаси катта бўляпти.

Бир қатор давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда ташкил этилаётган ушбу мусобақа аъёнага айлиб, ўтган йиллар давомида жами 370 мингдан ортиқ ўқувчи жалб этилди. Бундан ташқари, айни вақтда “Ёш чегарачилар” клуби аъёларининг 162 нафари Чегара қўшинларида, 37 нафари эса бошқа идораларда турли лавозимларда хизмат қилиб келаятгани бу борада амалга оширилаётган сый-ҳаракатлар салмоғини кўрсатади.

### “Маҳалла еттилиги” ҳар бир муаммони ечишга ҳаракат қиляпти

Маҳалладаги ислохотлар нафасини сезмаган оила қолмади, десак муболага бўлмайди. Жумладан, мамлакатимизда барча иجتимой-иқтисодий дастурлар аҳоли талабидан келиб чиқиб, жойларда бамақсад амалга оширилмоқда. Бунақа маҳалла раиси, ҳоким ёрдамчиси, хотин-қизлар фаоли, профилактика инспектори, солиқ идораси вакили ва иجتимой ҳодим қатори ёшлар етакчиси-нинг хизмати ҳам катта бўлмоқда.

— Ёшлар етакчилари лавозими жорий этилиши қўллаб муаммоларини маҳалланинг ўзида ечим топишига сабаб бўлди, — дейди



### Мен нечун севаман Ўзбекистонни!



“Шеър ёдлаш, аввало, зеҳни, хотирани мустаҳкамлайди, қолаверса, қалбингиздаги сизга куч ва илҳом бериб турувчи, қаддингизни рост қилувчи қўрғонни тиклайди. Энди билсам, ўша қўрғон Ватан экан.

# НОМУС, ВИЖДОН ИЛА ИЙМОНДИР — ВАТАН!

Бошланиши 1-бетда

Адабий-маърифий анжуман доирасида “Ватанпарвар” ташкилоти Тошкент шаҳар кенгаши тизимидаги спорт секцияларининг кўргазмаси ҳам ташкил этилди. Унда ёшлар ўз қўллари билан ясаган ракеталар, пневматик қурол турлари намойиш қилинаётгани иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди. Айни кўргазмани томоша қилаётиб ёш ҳарбийлар билан мушоирани бошлаб юборган Ўзбекистон халқ шоири Маҳмуд Тоир бугунги анжуман аввалидаги ҳаяжонини шундай ифодалади:

— Бу дунёда инсон зоти учун она қанчалар шарафли, улуг бўлса, киндик қони томган мекан ҳам ундан асло кам эмас. Зеро, биз инсон сифатида ўзимизни Ватанда таниймиз, Ватанда англаймиз. Қадамимиз юрт туپроғида экан, қадимиз тик, бошимиз мағрур. Ўзбекистондек юртга фарзанд бўлиш миллати, эътиқодидан қатъи назар, ҳар биримизга шарафдир. Президентимиз топиригига кўра ташкил этилган “Ватан манзумаси” адабий-маърифий анжумани қисқа вақтда барча юртдошларимиз қалбини забт этди. Айниқса, бу ижодий лойиҳа иштирокчиларнинг вилоятлар бўйлаб қилган сафарлари катта эътирофларга сабаб бўлди. Ёшлар билан суҳбатлашиб, навқирон авлодимизнинг адабиётга, шеърятга иштиёқи янада ошганига гувоҳ бўлдим. Уларнинг бу иштиёқи, меҳр-муҳаббати янада юксалаверсин. Ўзбекистонимиз шарафини дунё узра тараннум этган Амир Темур, Имом Бухорий, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Бобур Мирзо каби аждодларимизнинг издошлари кўпаяверсин!



Халқимизнинг олдига суратлар.

УШБУ QR-KOD ОРҚАЛИ ВИДЕОГА ЎТИНГ.

Ёшлар билан суҳбатлашиб, навқирон авлодимизнинг адабиётга, шеърятга иштиёқи янада ошганига гувоҳ бўлдим. Уларнинг бу иштиёқи, меҳр-муҳаббати янада юксалаверсин. Ўзбекистонимиз шарафини дунё узра тараннум этган Амир Темур, Имом Бухорий, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Бобур Мирзо каби аждодларимизнинг издошлари кўпаяверсин!



шундай бўлса-да, Ватан осойишталиги йўлида ширин жонини фидо қилган инсон эканидан жуда фахрланган эдим. Гарчи кўп вақти ишда, хизматда ўтса-да, мен билан суҳбатлашишга ҳар доим вақт топар, “Ўғлим, эр йигит учун дунёдаги энг шарафли иш Ватанини ҳимоя қилишдир”, дея тайинлар эди. Бугун мен отамнинг ишини давом эттираётганимдан ўзгача гурур-ифтихор туяман.

Севара Норматованинг отаси Иброҳим Норматов террорчиларга қарши жанговар ҳаракатларда қаҳрамонларча ҳалок бўлган. Ўша пайтларда Севара беш ёшлик қизалоқ эди. У ҳар гал отасининг жасорати ҳақида дугоналарига сўзлаб берав экан, гурурлар ва “Мен ҳам келажакда, албатта, отам каби Ватанимни ҳимоя қиладиган инсон бўламан”, дер эди. Онаси ҳар қанча қаршилик кўрсатмасин, у аҳдидан қайтмади, ҳарбий ўзбек аёллари сафидан жой олди.

Энг қалтис вазиятларда ўз жонини хатарга қўйиб, Ватан ҳимоясига отланган



қилувчи қўрғонни тиклайди. Энди билсам, ўша қўрғон Ватан экан. Ҳозиргина ёшларимиз Ҳалима Худойбердиеваннинг “Ўстир Худо деган шу мамлакатни” шеърини ўқиганида тўлқинланиб кетдим. Шундай ажойиб тадбирлар тез-тез ўтказилиб турса, яхши бўлар экан.

Биз ёш замондошларимизнинг тадбир ҳақидаги мулоҳазалари билан ҳам қизиқдик.

— Шеърни шоирнинг ўзидан эшитиш бошқача бўлар экан, ўша руҳиятга тушгандек бўларкансан, — дейди Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий мусика академияси 2-босқич курсанти Норбек Маглубов. — Очиги, тақлиф қилишганида аввалига яна тадбирим, деган фикр хаёлимдан ўтган эди. Ҳозир бунинг учун хижолатдаман. Кўплаб тендошларимиз ўзини телефон билан банд қилишга ўрганиб қолди. Телефон деганлари ўзини англаганга битмас ҳазина, ўзини билмаганга эса катта бир офатдир. Мен бу нарсани кейинги пайтларда чуқурак аниқлаш билладим. Биз, ёшлар кўпроқ вақтимизни китоб ўқишга, шеър ёдлашга, телефонда ўтирсак ҳам керакли маълумотлар олишга сарфласак, яхши бўларди. Бугун ўқилган шеърлар юрагимизни тўлқинлантириб юборди, руҳимизга зўр кўтаринкилик бағишлади, Ватандан ифтихор туюшни ўргатди. (Шу ўринда у “Кўряписими, мен ҳам шоир бўлиб кетаман, шекилли”, дея кулади). Мен бундай шеърлар борлигини билмас эканман...

Сўзимиз аввалида Абдурауф Фитратнинг “Юрт қайғуси” мақоласини эсланган эдик. Тадбир иштирокчилари билан суҳбатлашар эканмиз, уларнинг юз-кўзларидаги ҳаяжон, сўзларидаги ҳароратни ҳис қилиб, яна жадид бобомизнинг “Она! Сени кутқармоқ учун жонни керакдир? Номусим, виждон била имонни керакдир?” деган мисраларини элда олдик.

Демак, ноҳус, виждон ила имонимиз Ватан деб аталган муқаддас қўрғоннинг устунларидир. Рамазон ойининг баҳор ёмғирига туташ лаҳзаларида ўтказилган бу тадбир айни ҳақиқатлари билан кўнглимизга кириб борган гўзал анжуман бўлди. Бир-бирига интилан, бир-бирини англаган қалблар анжумани эса тилаклар ва эзгу мақсадларни ҳам бирлаштиргусидир!

Мухтасар ТОЖИМАТОВА, “Янги Ўзбекистон” муҳбири

### Уйғоқ фикр

Ватанпарварлик ҳар бир давлат ҳаётининг маънавий асоси ҳисобланади ва жамиятни ҳар томонлама ривожлантириш борасида энг муҳим сафарбар этувчи куч сифатида намоён бўлади.

Шавкат МИРЗИЁЕВ, Ўзбекистон Республикаси Президенти

## ЮРТ ВА МИЛЛАТ ҚАЙҒУСИ ЎЗЛИККА САДОҚАТДАН КУЧ ОЛАДИ

Ватанпарварлик инсонни юксалтирувчи, куч-қувват бахш этувчи буюк фазилат. Ички тугён, қалб овози билан “Туроним, сендан айрилмоқ — менинг учун ўлимим, сенинг учун ўлмоқ — менинг тириклигимдир” деб ёзган эди Фитрат. Ватанпарварлик инсоннинг авлод-аждодларига, орномусига, миллатига чуқур эҳтироми, виждонига, бурчиға содиқлигидир. Яна инсон сийратига қўшиб яратилган олий туйғуки, у ўзликка садоқатдан куч олади, юксалади.

Баҳодиржон ШЕРМУҲАММАДОВ, педагогика фанлари доктори, профессор



Бугун маррани балаң олган халқимиз шундай олижаноб туйғулар билан ёруғ манзилларга интилмоқда. Амалга оширилаётган ҳар бир эзгу иш айнан Ватанга дахлдорлик, ўз тақдирини юрт тақдирини билан бир бутун деб билган юртдошларимиз кўнглидан қувват олмақда. Ҳазрат Алишер Навоий бобомиз “Элга қўшулгон эш топти” деб ёзганида айнан шу ҳақиқатни мадҳ этган бўлса, не ажаб.

Кейинги йилларда мамлакатимиздаги янги-ланишлар ва тараққиёт шиддатидан дунё ҳайратланаётгани, жаҳон майдонида янги Ўзбекистон деган давлат мустаҳкам мақомага эга бўлгани бор гап. Барча соҳа ва тармоқлар ислоҳотга юз тутиди. Энг муҳими, одамлар тафаккури ўзгарди, ҳаётга муҳаббати ошди, бутундан розилик, эртанги фаровон ҳаётга юксак умид уйғонди. Давлатимиз сиёсатининг мазмун-моҳиятини англаб етган юртдошларимиз эса ана шу эзгу ишларга ҳисса қўшиб иштиёқи билан яшамоқда, эл юмушига энг шимармоқда. Бунинг замирида чинакам ватанпарварлик борлиги аққол аёнди. Бу улғувор туйғу она туپроқ ҳимояси, унинг шаъни шавкати йўлида ўз манфаатини четта суриб, умумманфаат учун нимадир узда-лай олиш, эл-юрт учун бетамъна эмас, ширин жонини фидо қилиш, дегани эмасми?!

Ўқувчиларига атаб синфга китоб ташиётган ўқитувчи, тунда чақирсангиз ҳам ҳозир бўлаётган шифокор, мижга қоқмай сарҳадларимизни қўриқлаётган аскар, ҳашарда энг шимарган маҳалладош, сахарда тандирдан нон узаетган новвой — барчаси ватанпарварликнинг энг гўзал чизгиларидир.

Мамлакатта, фуқароликка, миллий тилга, аёна ва урф-одатларга хос бўлган ҳиссий муносабат, Ватан гурури, унинг қудрати, муваффақияти, маданияти билан фахрланиш, тарихи, нуфузи, аъналарини сақлаб қолишга инти-

Айнан янги ҳаётлар, ватанпарварлиги учун беаёв тазийқа учраган, олис Сибир ўлкасида Ватан дея қон ютган Усмон Носирни, маърифатсизлик ва адолатсизликка қарши руҳий исён кўтара олган Абдулла Қодирийни уйғотган, уларнинг номини мангу ардоқли қилган қадрият ҳам ватанпарварлик эди.

Ана шу Ватан туйғуси туйғули инсон ўзи яшайдиган уйни, ўзи яшайдиган маҳаллани, шаҳару қишлоқни, Ватанин севади, уни обод қилади, унинг шаънини улғулайди, ҳимоя қилади. Бугун янги Ўзбекистоннинг янги даврини яратётган эканмиз, халқимиз, айниқса, ёшларимиз қалбига ватанпарварлик туйғусини сингдириш, унга муносиб фарзанд бўлишни олий мақсад деб билган юксак салоҳиятли, асл юртсевар авлодни, буюк аждодлар давомчиларини тарбиялаш — улғувор аҳдимиз. Бу эса фақат таълим муассасасида эмас, балки оилада, маҳаллада, бутун жамият ичида адо этиладиган олижаноб вазифа.

Айни пайтда биргина Фарғона давлат университетига юздан ортиқ жаҳон чемпионолари, халқаро талнов ва илмий анжуманлар совриндори бўлган лидер ёшлар Ватан бераётган имконият ва эътиборга ўз фуқаролик позицияси,



лиш ҳам жадидликнинг бир кўринишидир. Айнан шу улғувор туйғу қудратидан халқ бир бутун, бир тану бир жон бўлади. Демак, Ватан шундай кучли бўлади.

Тарихга назар ташласак, бугунги ёш авлод учун чинакам ватанпарварлик тимсолига айланган сиймолар ҳаёти, уларнинг Ватан ва эл шаъни, қудрати, тинчлиги, маърифати, маънавияти йўлида қўрсатган улкан фидойиликларини хотирламизда қайта-қайта жонланамиз.

Буюк боболаримиз Амир Темур, Жалолдин Мангуберди, Нажмиддин Кубро, Мирзо Бобур, маърифатпарвар жадидлар Маҳмудхўжа Бехбудий, Мунавварқори Абдурашидхон, Абдурауф Фитрат, Абдулла Авлоний тимсолида Ватан учун ширин жони, билим ва салоҳияти бахшида бўлган зотларнинг миллий ўзликка муҳаббати ва садоқати бизга ўтмиш ибратидир.

ҲАЗИРАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФОСИДА Ўқиш учун МАЗКҲ QR-KODNI SKANER ҚИЛИНГ.



“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари тахририяти ДМ

Бош муҳаррир: Салим ДОНИЁРОВ

МУАССИС: Ўзбекистон Республикаси Вази́рлар Маҳкамаси

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар. Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Колограк” МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Аxbорот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 236. Буюртма — 825. 44909 нусхада босилди. Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2. Баҳоси келишилган нарҳда.

“Колограк” МЧЖ босмаҳонасида чоп этилди. Босмаҳона манзили: Ўзбекистон, 100060. Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй. Босмаҳона телефони: (78) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Абдурауф Қоржовов Мусахҳиж: Малоҳат Мингбоева Дизайнер: Зафар Рўзиев

Манзилимиз: 100060, Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй